



**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**  
**«Наманган вилоят кўп тармоқли**  
**тиббиёт маркази бош врачси»**

**Н.Р.Отамирзаев**

**“31 ” 03 2022й**

**БУЮРТМАЧИ:**

**«Наманган вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази»**

Наманган вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази  
иситиш тизимини юкори босим билан ювиш учун  
ЭНГ яхши таклифни танлаб олиш.

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**Наманган шаҳар-2022**

## **Танлов хужжатларининг мазмуни:**

### **I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

#### **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда № 3016-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

#### **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1. Наманган вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази иситиш тизимини юкори босим билан ювиш учун хизмат кўрсатувчилар томонидан энг яхши таклифларни жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охирги қиймати - 29 024 571 сўм

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

**Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 20 кун.

1.5. Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

#### **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. “Наманган вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази” (бундан кейин- “Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили 160100, Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Наманган шаҳар, Н.Номонгоний кўчаси, 9-уй

Эл.адрес: [nvkttm@uzex.uz](mailto:nvkttm@uzex.uz)

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов УЗРТХАБ etender.uzex.uz платформасида “Буюртмачи” томонидан тузилган танлов комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги талаблар қўйилади:

-танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, махсулот ни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашё ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

-шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

-танлов объектига ўхшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

-танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

-Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

-қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиҳа ҳужжатлари, хусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат қилишга ҳақлидирлар.



«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
“Наманган вилоят кўп тармоқли  
тиббиёт маркази бош врачси”

Н.Р.Отамирзаев

« 21 » 09 2022 й

Наманган вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази  
иситиш тизимини юкори босим билан ювиш учун энг  
яхши таклифни танлаб олиш.

### ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Объект номи	Наманган вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази иситиш тизимини юкори босим билан ювиш учун хизмат кўрсатувчиларнинг энг яхши таклифни танлаб олиш.
2	Буюртмачи	Наманган вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази
3	Буюртма учун асос	Марказни куз қиш мавсумига тўлик тайёрлаш
4	Объектнинг жойлашган манзили	Наманган шаҳар Н.Номонгоний кўчаси 9-уй
5	Катнашувчи учун талаблар	Наманган вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази иситиш тизимини юкори босим билан ювиш техник топшириққа асосан, хизмат сифатини тўлик кафолатлайди.
6	Бажарилган ишлар хисоб- китоби	Хизмати кўрсатувчи томонидан тақдим қилинган, тарафлар томонидан тасдиқланган нуқсон ва бажарилган ишлар далолатномаси ҳамда хисоб варақаларга асосан икки томон ўртасида ўзаро тасдиқлангандан сўнг корхона нархларидан ошмаган ҳолда ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Шунингдек буюртмачи томонидан бажарилган ишлар юзасидан ўтказиладиган маблағлар ҚҚС билан қўшиб хисобланади. Шартномага асосан 29 024 571 ( йигирма туккиз миллион йигирма тўрт минг беш юз етмиш бир) сумлик иситиш тизимини юкори босим билан ювиш билан режалаштирилган.
7	Иш тури	Наманган вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази иситиш тизимини юкори босим билан ювиш
8	Хизматларни бажариш муддати	2022 йил 30 сентябргача
10	Молияташтириш манбаи	Наманган вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази

Даволаш ишлари бўйича бош врач  
ўринбосари

МИБ бош врач ўринбосари

Хўжалик бўлими бошлиғи

Марказ бош энергетиги

Марказ таъмирлаш хизмати мутахассиси



*[Handwritten signatures]*

О.И.Ўринбоев

Р.Парпиев

О.Қозокбоев

Ш.Усманов

И.Собиров

№	Ташкилот	Қўрилган йил
1	...	...
2	...	...
3	...	...
4	...	...
5	...	...
6	...	...
7	...	...
8	...	...
9	...	...
10	...	...